

Куч – адолатда

Адл ила олам юзин обод қил!

2026 йил
6 феврал,
жума
№ 5
(1091)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ПОКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 февраль кuni давлат ташрифи билан Исломободга келди.

Покистон ҳаво ҳудудида олий мартабали меҳмоннинг самолётига ушбу мамлакат Ҳарбий ҳаво кучларининг қирувчи учоқлари ҳамроҳлик қилди.

“Нурхон” аэропортида давлатимиз раҳбарини Покистон Президенти Шайф Али Зардорий, Бош вазир Шаҳбоз Шариф ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон Президенти Исломобод шаҳрига келгач, “Глобал саноат ва мудофаа ечимлари” компаниясининг бош қароргоҳига ташриф буюриб, Мудофаа кучлари Бош қўмондони – Қурулли Кучларнинг қуруқликдаги қўшинлари қўмондони, фельдмаршал Асим Мунир билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришнинг асосий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, бугунги кунда хавфсизликка таҳдид солаётган хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Икки мамлакатнинг етакчи мудофаа саноати корхоналари ўртасидаги кооперация алоқаларини фаоллаштириш, ҳарбий мутахассисларни тайёрлаш дастурларини кенгайтириш, тажриба алмашиш ва

қўшма ўқув тадбирларини ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Транспорт ва логистика соҳасида истиқболли инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш масалалари ҳам кун тартибиде бўлди.

Ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни ривожлантириш бўйича алоҳида “йўл харитаси”ни тайёрлаш юзасидан келишувга эришилди.

Ўзбекистон Президенти учрашув якунида “Глобал саноат ва мудофаа ечимлари” компаниясининг ишланмалари, жумладан, Покистоннинг замонавий ҳарбий техникаси ва қурул-яроғ намуналари билан танишди.

Давлатимиз раҳбарини Исломобод шаҳрида ажратилган қароргоҳда Покистон Ислом Республикаси Бош вазирини ўринбосари, ташқи ишлар вазири Исҳоқ Дор кутиб олди.

Шу ерда бўлиб ўтган учрашувда Исҳоқ Дор давлатимиз раҳбарига ўтказилиши режалаштирилган икки томонлама тадбирлар кун тартиби ҳақида маълумот берди.

Ўзбекистон Президенти Бош вазир ўринбосарини ушбу давлат ташрифини ташкил этишга қўшган улкан ҳиссасини алоҳида қайд этди.

Ташриф доирасида бўлиб ўтадиган олий даражадаги музокара ва Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши Ўзбекистон – Покистон стратегик шериклик муносабатларини янги амалий мазмун билан бойитишига ишонч билдирилди.

Шундан сўнг Покистон Бош вазирининг қароргоҳида Ўзбекистон Рес-

публикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қорув саф тортди. Давлат мадҳиялари янгради.

Шавкат Мирзиёев ва Шаҳбоз Шариф расмий делегациялар аъзоларини кутладилар.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Исломобод шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф тор доирада музокара ҳамда олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилишини ўтказдилар.

Давлатимиз раҳбари учрашув аввалида Бош вазирни яқинлашиб келаётган муқаддас Рамазон ойи ва Покистон кuni байрами билан табриклади.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон – Покистон стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг амалий жиҳатлари атрофлича муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда ўзаро алоқалар фаол тус олгани мамнуният билан қайд этилди. Сиёсий мулоқот мустаҳкамланиб, парламентлараро ва идоралараро алмашинувлар жадал ривожланмоқда.

Ўтган йил якунларига қўра ўзаро савдо ҳажми салкам 500 миллион долларга етди. Ўзбекистонда Покистон капитали иштирокидаги 230 га

яқин корхона фаолият юритмоқда. Икки мамлакат ўртасидаги авиақатновлар кўпайди. Банклараро кореспондентлик муносабатлари мустаҳкамланмоқда.

Тўқимачилик, фармацевтика, кимё, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Томонлар ушбу ташриф арафасида ўтказилган сиёсий маслаҳатлашувлар ва Ҳукуматлараро комиссия йиғилишининг натижаларини олқишладилар.

Ташриф доирасида Ўзбекистон саноат маҳсулотларининг кўргазмаси ўтказилмоқда.

Икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари Мувофиқлаштирувчи қўмитасининг биринчи йиғилишини яқин кунларда Тошкентда ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Ишбилармон доиралар ўртасида узоқ муддатли ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон – Покистон Ишбилармонлар кенгашини ташкил этиш юзасидан келишувга эришилди.

Яқин келажакда ўзаро товар айирбошлашни 2 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди. Амалдаги Имтиёзли савдо битими доирасидаги маҳсулотлар турини, шунингдек, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун фитосанитария рухсатномалари рўйхатини янада кенгайтириш ҳамда Ўзбекистоннинг Лаҳор ва Карачидаги савдо уйлари-дан фаол фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда) ►

Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида аҳолига сифатли тиббий хизматлар кўрсатишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, самарали пробацция назоратини ташкил қилиш, Маданий мерос агентлиги ваколатларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш чораларини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳалари қўриб чиқилди.

Парламент фаолияти



Самарали пробацция назорати ташкил этилади

Мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар устидан назорат қилиш механизмлари-ни такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”-ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди. Қонун лойиҳаси билан Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодекслари ҳамда “Пробацция тўғрисида”-ги қонунга тегиш-

ли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар устидан пробацция назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий тартиблари белгилаб қўйилмоқда.

Хусусан, суд томонидан юклатилган мажбуриятларни бажармаган шахсларга нисбатан шартли озод қилишни бекор қилиш ва уларни жазони ўташ учун юбориш ёки қўшимча мажбуриятлар юклаш тартиблари белгиланмоқда.

(Давоми 2-бетда) ►


Жамиятимиз мақсади

Коррупцияга қарши кураш — давр талаби

Коррупция жамиятимиз тараққиётига, халқимизнинг фаровон турмуши ва давлатимиз нуфузига жиддий хавф соладиган хавфли иллатдир. Шу боис, унга қарши курашиш нафақат давлат органларининг, балки ҳар бир фуқаронинг ҳам масъулиятли бурчи ҳисобланади.

Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашишнинг замонавий механизмлари кенг жорий этилди. Уларнинг фаолиятида очиқликни таъминлаш, жамоатчилик олдида ҳисобдорликни ошириш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►



Қизимга мактаблар

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Зўҳра гап нимадалигини дарҳол тушуниб, мени юпатди.

— Аввало, ҳали директор сизни қўргани йўқ, ҳеч нарса таклиф қилгани ҳам йўқ. Кейин умид билан шу даргоҳга келдик. Улар нима деса, шуни қилайлик. Лекин сиздан сўрашса, майли, шуни айтинг. Аммо уларга

ишонинг. Кўпчилик бўлиб сизни ўйлашпти, кўпчилик бўлиб тўғри йўлни танлашмоқчи.

Анча тинчидим. Ҳеч ким билан маслаҳат қилишга ҳожат қолмади. Шундай бўлса ҳам мени оғир ўйлар гирдобиде қолдирмаслик учун Зўҳра шанба кuni эрта-лабданоқ касалхонага етиб келди. Бирга чой ичдик.

(Давоми 4-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

5 февраль кuni Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг YouTube тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Ўн учинчи ялпи мажлисининг биринчи иш кунини сенаторлар парламент юқори палатасининг 2025 йилдаги фаолияти натижалари

ри ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқиغا Мурожаатномасидан келиб чиқадиган устувор вазифаларни муҳокама қилишдан бошлади.

Мазкур масала юзасидан Сенат Раиси маъруза қилиб, ўтган йил давомида Сенат томонидан қонунчилик, назорат-таҳлил, халқаро ҳамкорлик, маҳаллий Кенгашлар билан ўзаро ҳамкорлик ҳамда аҳоли муносабатлари билан ишлаш йўналишларида эришилган асосий натижаларга тўхталди.

Маълум қилинишича, 2025 йилда Сенат томонидан 136 та қонун қўриб чиқилиб, уларнинг 130 таси маъқулланган. Янги конституциявий ваколатлардан келиб чиқиб, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш каби муҳим йўналишлар

бўйича 13 та қонунчилик ташаббуслари илгари сурилган.

Назорат-таҳлил фаолияти доирасида 83 та тадбир ўтказилиб, ҳудудларда аҳолини қийнаётган масалалар юзасидан Ҳукуматга аниқ таклифлар киритилган. Жумладан, аҳолини ташвишга солаётган 1,5 мингдан ортиқ масалалар аниқланган ва Ҳукуматга киритилган таклиф асосида уларни ҳал қилиш учун 2026 йилда Давлат бюджетидан 2,2 триллион сўм ажратилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, Сенат халқаро ва парламентлараро фаолиятини жадал давом эттирди. Хорижий ҳамкорлар билан кўплаб учрашувлар ўтказилди, нуфузли халқаро анжуманлар ташкил этилди.

19 та мамлакат билан янги парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари ташкил этилган. Қатор йирик халқаро тадбирлар, хусусан 2025 йил 5-9 апрель кунлари Тошкент шаҳрида

Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеяси юқори савияда ўтказилган.

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини кучайтириш, депутатлар салоҳиятини ошириш ва маҳаллаларда муаммоларни ҳал этишга қаратилган ишлар амалга оширилди.

Сенат қўмиталари томонидан маҳаллий Кенгашлар билан ҳудудлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни муҳокама этиш ва ҳал қилиш бўйича қўшма сайёр мажлисларни ўтказиш амалиёти йўлга қўйилган. Депутатларнинг малакаси ва касбий салоҳиятини ошириш мақсадида 100 дан ортиқ ўқув семинарлари ўтказилган.

Ялпи мажлисида 2026 йилда Мурожаатномада белгиланган устувор йўналишлар асосида қонун ижодкорлиги, парламент назорати, ҳудудлар билан ишлаш, аҳоли билан мулоқотни янада кучайтириш ва халқаро алоқаларни кен-

■ Менда таклиф бор

Даъво муддати:

талаб, зарурият, эҳтиёж



Фуқаролик кодексининг 5-ки-чик бўлими даъво муддати, муддатларни ҳисоблаш масаласига бағишланган. Унга қўра, даъво муддати бу шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир.

Амалдаги қонун талаби

қўра, умумий даъво муддати уч йил этиб белгиланган. Айрим турдаги талаблар учун қонунларда умумий даъво муддатига қараганда қисқартирилган ёки узайтирилган махсус даъво муддатлари белгиланиши мумкин.

(Давоми 2-бетда) ►

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◄(Бошланиши 1-бетда)

Шу билан бирга, ўз зим-масидаги мажбуриятларни масъулият билан бажариб келаётган шахсларга нисбатан ушбу мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бекор қилиш бўйича судга тақдимнома киритиш имконияти ҳам назарда тутилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда

озод қилинган шахслар хулқ-атворини самарали назорат қилишга, суд томонидан белгиланган талабларни бажармаган шахсларга нисбатан таъсирчан чоралар кўришга, қонунга итоаткорликни мустаҳкамлашга, шунингдек, ҳуқуқбузарлик ва қайта жиноят содир этилиши ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади. Мажлисида қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

ҲУҚУҚЛАРНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ ИШЛАРИ ЯНАДА ТЕЗЛАШАДИ



Мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳаси ўзбошимчалик билан эғаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга нисбатан ҳуқуқларни эътироф этиш ишларини янада тезлаштиришга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан “Ўзбошимчалик билан эғаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги ҳамда “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш

ЖАМОАТ ТАРТИБИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЗАРУР ЧОРАЛАР

Шунингдек, мажлисда бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган — “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вилоят, туман, шаҳар ва маҳалла бўйича манзилли “йўл харишалари” асосида ижтимоий профилактика тизими йўлга қўйилиб, жамоат жойларини рақамлаштириш қамрови оширилди.

Шу билан бирга, жойларда ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлган омиллар сақланиб қолмоқда. Бу борада Қонунчилик палатаси депутатлари жойларга чиқиб, жиноятчилик ҳолатини ўрганиш, фуқаролар билан бевосита мулоқот қилиш ва мавжуд муаммоларни таҳлил этиши натижасида қатор ташаббусларни ишлаб чиқди.

Ушбу қонун лойиҳаси би-

ва қўшимчалар киритиш таклифи этилмоқда. Хусусан, ҳуқуқларни эътироф этиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, маълумотларни автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш тартибини ҳамда солиқ қарздорлиги тушунчасини аниқлаштириш, ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш учун бир марталик тўловни бўлиб-бўлиб тўлашни амалга ошириш тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда ҳуқуқларни эътироф этиш ишлари билан боғлиқ шикоятларни кўриб чиқиш механизмларини такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

лан гаровга қўйилган мулкни ишониб топширилган шахс томонидан қонунга хилоф равишда тасарруф этиш оз миқдор ёки кўп бўлмаган миқдорда содир этилган тақдирда, маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда. Бу орқали мазкур турдаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликдаги мавжуд бўшлиқ бартараф этилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан телекоммуникация ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоқларида уятли сўзлар билан сўкиниш, ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ва жамоат тартибини бузувчи бошқа шу каби ҳаракатлар учун ҳам маъмурий жавобгарлик жорий этилмоқда. Ушбу норма жамоат тартиби ва фуқароларнинг осоишталлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, ўзга давлат ҳудудига ёки унинг тарафини олиб қуролли тўқнашувлар ёки ҳарбий ҳаракатларда қатнашишни тарғиб қилувчи маҳсулотларни тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш учун ҳам маъмурий жавобгарликни белгилаш назарда тутилмоқда.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

◄(Бошланиши 1-бетда)

Ташрифга тайёргарлик доирасида кишлоқ хўжалиги, электротехника, геология, фармацевтика, енгил саноат, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа соҳаларда қарийб 3,5 миллиард долларлик лойиҳалар портфели шакллантирилди.

Транспорт ва логистика алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Трансафрон темир йўли лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштириш ва “Покистон – Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” трансporti йўлагини ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Икки мамлакат ҳудудларининг ўзаро алоқалари иқтисодий ҳамкорлик ривожининг асосий драйверларидан бири сифатида белгиланди.

Ўзбекистон – Покистон ҳудудлараро форумини ташкил этишга келишиб, унинг биринчи учрашувини шу йил Хоразм вилоятида ўтказиш таклифи билдирилди.

Зиёрат туризми соҳасида тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари алоҳида муҳокама қилинди. Икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш мақсадида жорий йилда Покистонда Ўзбекистон маданияти ҳафталиклари ва Ўзбекистон киноси кунларини ўтказишга келишиб олинди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Бобурийлар меросини тарғиб қилиш учун Лаҳорда қўшма маданият марказини ташкил этишни таклиф қилди.

Музокаралар давомида халқро ва минтақавий кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиб, кўп томонлама тузилмалар доирасида яқин ҳамкорликни давом эттиришга қатъий интилиш билдирилди.

Яқунда Шавкат Мирзиёев Шаҳбоз Шарифни жавоб ташрифи билан Ўзбекистонга келишга таклиф этди.

Олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилишидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислom Республикаси Бош вазир Шаҳбоз Шариф Қўшма декларацияни имзоладилар.

Бундан ташқари, етакчилар ҳузурида қуйидаги икки томонлама ҳужжатларни алмашиш маросими бўлиб ўтди:

- Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2026-2028 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;
- Ўзбекистон – Покистон Ишбилармонлик кенгашини ташкил этиш тўғрисида битим;
- Ўзбекистон – Покистон ҳудудлараро форумини ташкил этиш тўғрисида шартнома;
- Имтиёзли савдо тўғрисидаги битимга янги товарлар рўйхатини киритиш ҳақида баённома;
- Порт хизматлари ва чегирмалар тақдим этиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Кончилик ва геология соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари

ва ривожланиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

- Фармацевтика маҳсулотларини назорат қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Тўқимачилик ва тикувчилик саноатида ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Рақамли ва ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Маданият соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Буюк Бобурийлар сулоласининг илмий-маърифий, маданий ва меъморий меросини асраш, ўрганиш ҳамда кенг тарғиб қилиш тўғрисида битим;
- Спорт соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Экология ва табиий офатлар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Фавқулодда вазиятларни бошқариш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида шартнома;
- Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва янги психоактив моддалар ва уларнинг прекурсорларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги келишув;
- Ўзбекистондан Покистонга истеъмор қилиш учун янги узилган олма, анжир, лимон ва аччиқ қалампир экспорти учун фитосанитария талаблари тўғрисида баённома;
- икки мамлакат мудофаа вазирликлари ўртасида “йўл харитаси”.
- Шунингдек, Ўзбекистон – Покистон экспертлар кенгашини ташкил этиш, Ўзбекистон Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан Покистон Саноат ва ишлаб қўқариш вазирлиги ҳузуридаги Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бошқармаси, Термиз шаҳри ҳокимлиги ва Пешовар шаҳри маъмурияти, Самарқанд шаҳри ҳокимлиги ва Ислomобод шаҳри маъмурияти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтакалараро тадқиқотлар институти ва Ислomобод стратегик тадқиқотлар институти, Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Пешовар университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.
- Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Покистон Миллий фан ва технологиялар университетининг фахрий доктори ва профессори унвонларини бериш маросими бўлиб ўтди.
- Бош вазир Шаҳбоз Шариф давлатимиз раҳбарига бу ҳақдаги тегишли сертификатни топширди.
- Ушбу унвонлар Ўзбекистон етакчи-

сининг ижтимоий-иқтисодий ва таълим соҳаларидаги ислохотлар, мамлакатни изчил модернизация қилиш, фан ва технологияларни ривожлантириш, халқро ҳамкорлик ҳамда академик алоқаларни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун берилди.

Маросимда Шавкат Мирзиёев Покистон Бош вазир, университет раҳбарияти ва академик ҳамжамиятига юксак унвонлар учун миннатдорлик билдириб, таълим соҳасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассисларни биргаликда тайёрлаш муҳимлигини таъкидлади.

1991 йилда ташкил этилган Миллий фан ва технологиялар университети илмий изланишлар ва инновация фаолият, магистр ва докторларни тайёрлаш ҳамда саноат ва иқтисодиёт эҳтиёжларига мўлжалланган амалий тадқиқотларни олиб бориш каби йўналишларни ўзида мужассам этган.

Ўзбекистон Президентининг Покистонга давлат ташрифи доирасидаги тадбирларнинг навбатдагиси Ислomободдаги кўчалардан бирига Тошкент ва янгидан барпо этиладиган боққа Заҳириддин Муҳаммад Бобур номини бериш маросими бўлди.

Бош вазир Шаҳбоз Шариф ушбу қарор икки мамлакат ўртасидаги яқин тарихий ва маданий алоқаларни акс эттириши ҳамда Ўзбекистон – Покистон кўп қиррали шериклик муносабатларининг стратегик даражасини яна бир бор тасдиқлашини таъкидлади.

Тошкент кўчаси ва буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан аталадиган янги боғ халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлашга бўлган ўзаро интилиш қатъий эканининг яққол рамзига айланиши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Бош вазир Шаҳбоз Шариф Ислomобод шаҳрида бўлиб ўтган Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши яқунлари бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот бердилар.

Мамлакатимиз етакчиси сўзининг аввалида Покистонга давлат ташрифи билан келиш таклифи ва ўтказилган самарали музокаралар учун ушбу мамлакат ҳукумати раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Жадал ривожланаётган Покистон Ўзбекистоннинг ишончли стратегик шериги эканлиги алоҳида таъкидланди. Покистон Бош вазир раҳбарлигида халқ фаровонлигини ошириш, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш ва мамлакатнинг халқро мавқеини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар Ўзбекистонни хурсанд қилаётгани айтилди.

Шунингдек, ушбу ташриф Ўзбекистон – Покистон стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилганининг беш йиллигида ўтказилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Сўнгги беш йилда ўзаро савдо 2,5 бараварга, қўшма корхоналар ва

лойиҳалар сони эса қарийб 3 бараварга ошди. Яқин келажақда савдо айланмасини 2 миллиард долларга етказиш мақсад қилиб қўйилди. 3,5 миллиард долларлик истиқболли савдо ва инвестиция битимларининг портфели шакллантирилди.

Музокаралар якунида Қўшма декларация ва ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича 30 га яқин муҳим ҳужжат имзоланди.

Минтақавий ҳамкорликни изчил ривожлантириш орқали Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини биргаликда мустаҳкамлашга интилиш қатъий экани билдирилди. Халқро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттиришга тайёрлик қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Покистоннинг мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини фаол қўллаб-қувватлашни учун миннатдорлик билдирди. Покистоннинг 2025-2026 йилларда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг муваққат аъзоси сифатида тинчлик ва халқро барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берилди.

Фармацевтика, тўқимачилик, электротехника, тоғ-кон ва озиқ-овқат саноати, кишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича келишувга эришилди. Транспорт ва логистика алоқаларини ривожлантириш ҳамда бизнес учун қулай шaroитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳудудлараро ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида бу йил Ўзбекистонда биринчи Ҳудудлараро форумини ўтказишга қарор қилинди.

Бундан ташқари, биргаликда маданият ҳафталиклари ва кинофестивалларни ташкил этиш ҳамда буюк мутафаккирларнинг илмий-маърифий меросини ўрганиш ва оммалаштириш режалаштирилмоқда.

Ислomобод кўчаларидан бирига Тошкент номи берилгани учун яна бир бор миннатдорлик билдирилди.

Президентимиз, ўз навбатида, Покистон пойтахтида буюк давлат арбоби ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги боғни бунёд этиш тўғрисида қарор қабул қилинганини эълон қилди. Бу Покистон халқига мамлакат мустақиллиги байрами нишонланиши арафасида муносиб тўхфа бўлади.

Мамлакатимиз етакчиси Покистон Миллий фан ва технологиялар университетининг фахрий доктори ва профессори илмий унвонлари берилгани учун Покистон томонига алоҳида миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев нутқининг якунида барчани бўлажақ Покистон куни байрами ва яқинлашиб келаётган муборак Рамазон ойи билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистонга давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

Менда таклиф бор

ДАЪВО

банкка қўядиган талабларига;

- фуқаронинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга.

Даъво мuddати ўтганидан сўнг қўзғатилган талаблар даъво қўзғатилишидан олдинги кўпи билан уч йил бўйича қондирилади;

- жиноят туфайли етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга;

- мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, шу жумладан, эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бузишларни бартараф этиш ҳақидаги талабларига;

- мамлакат мустақиллиги эълон қилинишидан олдин унинг чегараларидан ташқарига олиб чиқиб кетилган тарихий, маданий ва илмий-бадий қийматга эга бўлган мол-мулкни ҳамда бошқа қимматбаҳо объектларни қайтариб бериш ҳақидаги талабларга;

лар билан ўлчанадиган вақт даврининг ўтиши билан белгиланади.

Даъво мuddати ўтганидан сўнг мажбуриятни бажарган шахс ижро этиш пайтида даъво мuddатининг ёки кетганлигини билган ёки билиши лозим бўлганигидан қатъи назар, бажарган нарсасини қайтаришни талаб қилишга ҳақли эмас.

Асосий талаблар бўйича даъво мuddати ўтиши билан қўшимча талаблар (неустойка, гаров, кафолат ва шу кабилар) бўйича даъво мuddати ҳам ўтган ҳисобланади.

Қонун талабига кўра, даъво мuddати қуйидагиларга жорий қилинмайди:

- шахсий номулкий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий бойликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларга, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- омонатчиларнинг ўз омонатларини бериш тўғрисида

сида етказилган зарарни ундириш бўйича даъво мuddати 1 йил ҳисобланади.

Бундан кўринадики, Англияда даъво мuddати алоҳида қонун ҳужжати билан тартибга солинади. Ўзбекистон қонунчилигида эса, бундай ҳужжат мавжуд эмас, лекин бунга катта эҳтиёж бор.

Гарчанд Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига даъво мuddатининг умумий тушунчаси ёритилган бўлса-да, Меҳнат кодексига даъво мuddати алоҳида, Оила кодексига алоҳида белгиланган.

Бу борада барча қонун ҳужжатларини бир-бирига мувофиқлаштириб, ягона қонун ҳужжати, яъни “**Даъво мuddати тўғрисида**”ги қонунни ишлаб чиқиш зарурати мавжуд деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

◄(Бошланиши 1-бетда)

Озик-овқат маҳсулотининг хавфсизлигини таъминлаш тизими халқаро талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги натижасида республикамизда озик-овқат маҳсулоти истеъмоли билан боғлиқ касалликлар, овқатдан заҳарланиш ҳолатлари кузатилмоқда, бу эса, ўз навбатида, аҳолини хавфсиз озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, соҳада назоратни кучайтириш ҳамда маҳсулот хавфсизлигининг умумий тамойилларини халқаро талаблардан келиб чиққан ҳолда белгилашга йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Қонун билан озик-овқат маҳсулоти хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари, ваколатли давлат органларининг соҳадаги ваколатлари аниқ белгиланмоқда.

Озик-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш мақсадида, Озик-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги бўйича идоралараро кенгаш фаолияти йўлга қўйилиши назарда тутилмоқда.

Озик-овқат маҳсулотининг хавфсизлигига доир санитария чоралари, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш тартиби санитария ва фитосанитария чораларини қўллаш битими талаблари билан уйғунлаштирилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши аҳолини хавфсиз озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга, соҳада давлат назоратини кучайтиришга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардорлигини ҳамда озик-овқат соҳасининг инвестициявий жозибадорлигини ва экспорт ҳажмини оширишга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг янги тахрирдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун билан жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат томонидан қўллаб-қувватланиши аниқ белгилаб берилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт субъектлари қаторига Спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Миллий паралимпия қўмитаси киритилмоқда ҳамда уларнинг қўшимча ваколатлари белгиланмоқда.

Қонунда паралимпия, сурдлимпия, махсус олимпия ва кўзи ожизлар спорт таракатларига доир нормалар, спорт федерациялари, клублари ва лигаларининг ҳуқуқий мақоми ҳамда фаолият юритиш тартиби, уларни реестрга киришти ва чиқариш мезонлари мустаҳкамланмоқда.

Шунингдек, қонунда мураббий, спорт ҳаками ва спорт агентининг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам белгиланмоқда.

Бундан ташқари, спортда допингнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тартиби, спорт мусобақалари натижаларига қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатишга қарши курашиш тўғрисидаги янги нормалар киритилмоқда.

Қонунда аҳолини оммавий спортга жалб қилиш ва оммавий спорт тадбирларини тизимли ўтказиб боришга эътибор қаратилган.

Қонунда давлат томонидан спортчи ҳамда мураббийга бир марталик ва ойлик тўлов шаклидаги қўллаб-қувватлаш чоралари қўрилиши мумкинлиги мустаҳкамланмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонун соҳани янада ривожлантиришга, жисмоний тарбия ва спортга оид муносабат-

ларни тизимли ташкил этишга хизмат қилади. Бундан ташқари, ушбу қонун билан амалиётда мавжуд ноаниқликлар ва ҳуқуқий бўшлиқлар бартараф этилади, унда вазирлик ва идораларнинг ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг соҳага оид вазифалари аниқ белгилаб қўйилган.

Сенаторлар мазкур қонунни маъқуллади.

Ялпи мажлисда “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун ҳам муҳокама этилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият юритаётган дастурчи-фрилансерлар ўзлари яратган дастурий маҳсулот ва рақамли контентни хорижий мижозларга сотишда халқаро электрон платформалардан кенг фойдаланмоқда. Айрим йирик платформалар ёрдамида тўловлар банк карталари ёки банк ўтказмалари орқали амалга оширилаётган бўлса-да, Urwork, Fiverr, Envato, Storyblocks каби платформаларда тўловлар фақат PayPal орқали амалга оширилиши мумкин.

Бироқ ҳозирги вақтда PayPal тўлов тизими Ўзбекистонда чиқарилган банк карталари орқали тўлиқ ишламайди. Бу чеклов мамлакатимиз қонунчилиги, хусусан, “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонунда белгиланган маълумотларни фақат Ўзбекистон ҳудудида сақлаш талаби билан боғлиқ. Натижада халқаро тўлов тизимларининг Ўзбекистон бозорига кириши муайян даражада чекланиб қолмоқда.

Қонунга киритилаётган ўзгартиришлар бу борадаги муаммоларни бартараф этади. Халқаро онлайн тўлов тизимларининг мамлакатимизда фаолият юритишини енгиллаштириш, финтех, электрон тижорат ва рақамли иқтисодиёт ривожини жадаллаштириш, фрилансерлар учун қонуний ва шаффоф тўлов механизмларини яратиш, чет эллик туристлар учун контакtsiz тўлов имкониятларини кенгайтириш шулар жумласидандир.

Қонунда фақат айрим турдаги шахсга доир маълумотлар (биометрик, генетик ҳамда телекоммуникация хизматлари билан боғлиқ маълумотлар) Ўзбекистон ҳудудида сақланиши шартлиги белгиланмоқда.

Бошқа маълумотларни чет элга узатиш ва сақлаш учун аниқ хавфсизлик талаблари жорий этилиб, Вазирлар Маҳкамасига шахсга доир маълумотлар хавфсизлиги таъминланган давлатлар рўйхатини тасдиқлаш ваколати берилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, мазкур қонун электрон тижоратни ривожлантириш йўналишида ҳуқуқий ва меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига халқаро Интернет платформаларидан фойдаланишда янада қулай шароитларни яратишга хизмат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Парламентнинг юқори палатаси аъзолари “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистонда исломий банк фаолиятини жорий этишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда замонавий банк хизматларини жорий қилишга ва халқаро тажрибани инobatта олган ҳолда банк тизимини ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда молиявий хизматлар қамровини кенгайтириш ва халқаро ис-

ломий молия стандартларига мувофиқ янги турдаги муқобил банк хизматларини жорий этиш зарурати юзага келаётгани таъкидлаб ўтилди. Шундан келиб чиқиб, мазкур қонун билан 2 та кодекс ҳамда 7 та қонунга исломий банк фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини белгилловчи янги нормалар киритилмоқда.

Хусусан, қонун билан исломий банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия тури жорий қилиниб, унга оид талаблар белгиланмоқда. Жумладан, мазкур лицензия билан банклар томонидан тўлиқ исломий банк фаолиятини амалга ошириш ёки бир вақтнинг ўзида ҳам анъанавий, ҳам исломий банк фаолиятини амалга ошириш имконияти пайдо бўлади.

Шунингдек, исломий молия фаолияти билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш мақсадида, Марказий банк ва исломий банк фаолиятини амалга оширувчи банкларда исломий молия кенгашини ташкил этиш ҳамда унинг фаолиятига доир талаблар белгиланмоқда.

Бундан ташқари, исломий молия операцияларининг ўзига хос хусусиятларини инobatта олиб, Солиқ кодексига исломий молия операцияларини солиққа тортиш тартибини белгилловчи алоҳида боб киритилмоқда. Унга асосан, исломий молия фаолиятидан олинган даромадлар солиқ солиш мақсадларида фойзли даромадларга тенглаштирилиб, банклар ва микромолия ташкилотлари томонидан мижозга реализация қилинадиган товарларга қўйиладиган устама ҚҚСдан озод қилинмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларининг кенгайишига, мамлакатимизда рақобат муҳитининг яхшиланишига ҳамда банк-молия соҳасига янги стратегик инвесторларнинг кириб келишига хизмат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Шунингдек, “Экологик тоза ҳудудларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланиши муносабати билан “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча кири-тиш ҳақида”ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш, уларнинг майдонини кенгайтириш, табиий мажмуаларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ноёб турларини сақлаб қолиш билан боғлиқ зарур чоралар кўрилмоқда. Натижада муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони 6,3 миллион гектарни ташкил этиб, уларнинг мамлакат ҳудудидаги улуши 14,2 фоизга етказилган.

Шунингдек, тоғли ҳудудларнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратиш, курортлар, меҳмонхоналар, маданий-соғломлаштириш ва бошқа инфратузилма объектларини барпо этиш орқали қўшимча иш ўринларини яратиш мақсадида туристик зоналар ташкил этилмоқда.

Ўз навбатида, курорт табиий ҳудудлар ва рекреация зоналарининг экологик тоза ҳудудларини ва уларнинг режимининг қонуний асосларини белгилаш зарурати ҳам юзага келмоқда.

Шундан келиб чиқиб, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунга қўшимча киритилиб, курорт табиий ҳудудлар ва рекреация зоналарида жойлашган, атроф табиий муҳитга таъсири меъёрлардан ошмайдиган, энергия самарадор инфратузилмалар билан таъминланган, чиқиндиларни самарали бошқариш тизими жорий этилган, юқо-

ри рекреация ва экотуризм салоҳиятига ҳамда бой биологик хилма-хилликка эга бўлган ҳудудлар экологик тоза ҳудудлар ҳисобланиши белгиланмоқда.

Шунингдек, мазкур ҳудудларда экологик тизимларнинг барқарорлигига таъсир кўрсатадиган, табиий ландшафтларнинг кўриниши ҳамда ер ости сувларининг гидрогеологик ҳолати ўзгартирилишига олиб келадиган ишларнинг олиб борилиши, табиий объектларга ва мажмуаларга салбий таъсир қилувчи соноат объектларининг қурилиши ҳамда фаолият кўрсатиши тақиқланмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, қонуннинг қабул қилиниши экологик хавфсизликни таъминлаш, экотуризмни ривожлантириш, табиий объектларни сақлаш, биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш ҳамда мамлакатимизнинг халқаро миқёсда экологик нуфузини юксалтиришга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Янги Ўзбекистонда давлат бошқарувида очиклик, шаффофлик ва жавобгарликни таъминлаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида изчил ва тизимли ислохотлар амалга оширилиб, мазкур қонун ана шу ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида аҳамият касб этади.

Қонунда ҳукумат аъзолигига тақдим этилган шахслар ва ҳоким лавозимига номзодлар энди ўз фаолият дастурлари билан бир қаторда коррупциянинг олдини олиш бўйича шахсий режаларини ҳам тақдим этишни шарт этиб белгиланмоқда. Бу эса, раҳбар кадрларнинг масъулиятини оширишга ва ҳалоллик тамойилларига содиқлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар доирасида даъволарни содда-лаштирилган тартибда кўриб чиқиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида, максимал даъво баҳосининг оширилиши фуқаролар ва тадбиркорлар учун судга мурожаат қилиш жараёнини янада енгиллаштиради.

Қонунда инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган нормалар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Хусусан, махсус иқтисодий ва саноат зоналарида юзага келаётган ҳуқуқбузарликлар бўйича мақсадли давлат ҳокимияти органларининг судга давлат божи тўламасдан мурожаат қилиш ҳуқуқи белгиланиши давлат манфаатларини самарали ҳимоя қилишда муҳим қадам сифатида баҳоланди.

Муҳокамалар давомида қонунни ишлаб чиқиш жараёнида бир қатор хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилгани, коррупциянинг олдини олиш бўйича алоҳида режа тақдим этиш талаби халқаро амалиётга тўлиқ мос келиши таъкидлаб ўтилди.

Сенаторлар ушбу қонуннинг қабул қилиниши халқнинг давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлашга, коррупцияга қарши курашишда янги босқични бошлашга, суд тизими самарадорлигини оширишга ҳамда инвесторлар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилишини қайд этдилар.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

◄(Бошланиши 1-бетда)

Шу билан бирга, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган мақсадли кўрсаткичлар белгиланди.

Бундан ташқари коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик базаси такомиллаштирилди, парламент палаталарида ушбу йўналишга масъул бўлган кўмиталар, Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолияти ташкил этилгани қисқа вақт ичида ўзининг ижобий натижасини берди.

Жиноят ишлари бўйича

Жамиятимиз мақсади

Коррупцияга қарши кураш — давр талаби

Тахлилларга кўра, Ўзбекистоннинг очиклик бўйича халқаро рейтинглардаги ўрни яхшиланди.

Бугун жуда кўп давлат хизматлари рақамлаштирилиб, юзлаб ортиқча маълумотларни сўраш амалиётига барҳам берилди.

Суд ходимлари томонидан сансалорлик, бюрократизм ва турли суиистеъмолчиликларга барҳам бериш, судларда ишларнинг ўз вақтида кўрилишини назорат қилишнинг самарали тизимини яратиш мақсадида, соҳани рақамлаштиришга эътибор қаратилиб, коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва инсон омилли сезиларли даражада қисқартиришга эришилмоқда.

Шу мақсадда Наманган вилоят судлари томонидан коррупция билан боғлиқ жиноят ишлар қонун талаби асосида кўриб чиқилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланмоқда. Жумладан, 2025 йилда коррупция билан боғлиқ 549 нафар шахсга нисбатан 349 та жиноят иши кўриб, таъминланган.

Шу билан бирга, янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишда қўшимча жазо чораларининг катта аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқиб, 273 нафар судланувчиларга нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қўшимча жазоси қўлланилган.

2025 йилда судларда кўрилган коррупция билан боғлиқ ишлар бўйича соҳа ходимлари тахлили шуни кўрсатдики, энг кўп коррупциявий ҳолатлар мактабгача ва мактаб таълими, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги ва соғлиқни сақлаш тизимида содир этилган.

Мазкур тоифадаги ишлар бўйича жойларга суднинг 204 та хусусий ажрим иборилган, 135 та жиноят иши сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилган.

Масалан, Наманган шаҳридаги 45-умумтаълим мактаби

директори Муҳайё Самадова (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2024 йил август ойи ўрталарида инглиз тили муаллимаси Замира Аҳмадалиевани ҳузурига чақиради-да, 200 АҚШ доллар берса, ўтган йилги дарс соатини сақлаб қолишига ишора қилади. Буни эшитиб, ўқитувчи ўта ноқулай вазиятга тушади: раҳбарнинг талабига кўнмаса, маоши пасаяди, унинг талабини бажариш деса, бу маблағни қарядан олишни билмасди. Бундан ёмони шундаки, М. Самадова яна икки нафар инглиз тили ўқитувчисига нисбатан шундай таъмагирлик қилади... Охир-оқибат ўқитувчилар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилгач, жиноят фош этилади.

Жиноят ишлари бўйича



Наманган шаҳар судида эса, Давлатобод тумани давлат солиқ инспекцияси инспектори Шариф Расулловнинг таъмагирлик билан боғлиқ қилмишлари кўриб чиқилди. Бу кимса 2024 йил май ойидан маҳаллаларга бириктирилган солиқ инспекторлари шўъбаси инспектори лавозимида фаолият юритиб, учта маҳалла ҳудудида фаолият юритувчи тадбиркорлардан “улуш” олиб келган. У фаолияти давомида “Гирвон” савдо мажмуасида Акмал Жамолов белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмай савдо қилаётганини аниқлайди. Бундан қай ҳолат уddaброн солиқчи учун айни мuddао бўлади. Яъни у ҳуқуқбузар тадбиркорга нисбатан далолатнома тузмаслик эвазига уч миллион сўм талаб қилади.

Шунингдек, судланувчи Ўрта Гирвон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият юритадиган тадбиркорлардан даромад солигини нақд беришса, шахсий ҳисоб варақларига тўлаб қўйишни айтиб, уларни алдайди. Натижада тадбиркорларнинг 12 миллион 347 минг сўм маблағини шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборади.

Суд томонидан юқорида баён этилган икки ҳолат юзасидан судланувчилар тегишли жазо тайинланди.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳар бир ташкилот коррупциявий ҳолатларни чуқур тахлил қилиши, бунга имкон берган иллатларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирларни белгиллаши шарт.

Зафаржон РАСУЛОВ,
Наманган вилояти суди судьяси

МУДДАТИ:

ТАЛАБ, ЗАРУРИЯТ, ЭҲТИЁЖ



Бундан ташқари қонунчилигимизда даъво мuddати турлича бўлиб, баъзида улар бир-бирини истисно қилиб келади. Масалан, Фуқаролик кодексининг 164-моддасида

мулк ҳуқуқи тушунчаси шундай таърифланган: “Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини қўзлаб эгаллик қилиш,

ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, қим томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи мuddатсиздир”.

Оила кодексининг 27-моддасида эса, никоҳдан ажралган эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларига нисбатан, уч йиллик даъво мuddати қўлланилиши белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 28-бандига кўра, Оила кодексининг 27-моддаси тўққизинчи қисмида никоҳдан ажратилган эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкни бўлиш учун белгиланган уч йиллик даъво мuddатининг ўтишини никоҳ тугатилган вақтдан (яъни,

ФХДЁ органларида никоҳдан ажратиш қайд этилган ёки суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан) эмас, балки шахс ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб ҳисоблаш лозимлиги (Фуқаролик кодексининг 154-моддаси биринчи қисми) қўрсатилган.

Айни вақтда Оила кодексининг 23-моддасига асосан, эр ва хотиннинг никоҳ давомида ортттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулкки ҳисобланади.

Эр ва хотиндан бири уй-рўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра,

мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам, эр ва хотин умуний мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади.

Фуқаролик кодексига билан мулк ҳуқуқи мuddатсизлиги белгиланган бўлса-да, Оила кодексининг мазкур нормаси мулкдорнинг мулк ҳуқуқлари чекланишига олиб келмоқда.

Шундай қилиб, фикримизча, қонунчилигимиздаги бир-бирига зид бўлган нормаларни мувофиқлаштириш учун Оила кодексининг 27-моддаси 9-қисмини никоҳдан ажралган эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларига нисбатан даъво мuddати қўлланилмайди, деб баён қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Нодирбек ФАЙЗИЕВ,
Бухоро вилояти суди раиси ўринбосари – фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси

■Жиноятга жазо муқаррар

Тил етказган

ЖАРОҲАТ

ёки туҳмат ва ҳақорат

ҳеч қачон жазосиз қолмайди

Маълумки, Бош Қонунимиз талабига кўра, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

Чунончи, шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги қафолати саналган ушбу қоида амалдаги қонунларимизда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Жиноят кодексининг

139-моддасида “туҳмат”, 140-моддасида эса, “ҳақорат қилиш” билан боғлиқ жиноятлар учун ж

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Профессор Давидовга нима дейиш ҳақида у ҳам, мен ҳам озиг очмадик. Кеча қароримизга нуқта қўйган эдик. Тушга яқин угра оши кўтариб, Азиза келди. Азиза менинг яқин танишим, шу марказга келишимга катта ҳисса қўшган одам, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иш бошқарувчиси ўринбосари Рихсивой Раҳмонович Муҳаммедовнинг синглиси. Биздан уч-тўрт кун кейин улар оналарини шу марказга даволаш учун олиб келишган эди. Зухра бир неча марта марказнинг учинчи қаватида ётган нуруний аёлни кўриб чиқди. Рихсивой Раҳмонович ҳам уч марта мени кўриб кетди. Мен у кишидан ниҳоятда миннатдорман.

Шу ўринда айтиб ўтишим керак, мен ҳам бахтли одам эканман. Касалликка чалинаверганимдан кейин атрофимда ниҳоятда яхши одамлар кўп эканлигини кўрдим. Улар мени ёлғизлатиб қўйишмади. Қачонлардир мен ҳамга жойлаштирган журналист, ишмасок укам Тохир Малик, маданият жонкуярлари Махмуд Муродов, Давлат Алимовлардан тортиб, ҳурматли президентимиз И.А.Каримовгача менга ғамхўрлик қилиб келишяпти: иш беришди, унвон, яхши пенсия... Рихсивой Раҳмонович шу тоифа одамлардан! У билан Марказқўмда бирга ишлаган эдик. Рўпара хоналарда ўтирар эдик. Кейин у Фанлар академиясида ишлади. Ўша пайтдаги Академия президенти, мени яхши биладиган ва ёзувчи сифатида чўқур ҳурмат қиладиган олим Пўлат Ҳабибуллаев унга яхши муносабатда бўлди. Мана энди Рихсивойнинг ўзи катта лавозимни эгаллаб, одамларга қўлидан келганича ёрдам қиляпти.

Марказда охириги марта мени кўрган кирганида бош врач Е.Г.Кондратьев бирга келди. Рихсивой Раҳмонович яна бир бор унга мени таърифлаб, яхшироқ қарашни илтимос қилди.

— Хавотир олманг, хабардор бўлиб тураман, — ваъда қилди Е.Г.Кондратьев.

Азиза билан Зухра дарҳол тил топи-



Тарих тилсимлари

шиб, турли хил овқатлар пишира бошлашди. Турли кўкатлар, райҳон сепилган угра ошини ичиб ўтирганимда, Азиза, қозон бўлганида палов қилардик, деб қолди. Зухра эрталабоқ Файларникидан қозон, элчихонамизга яқин бозордан янги қўй гўшти олиб келадиган бўлди.

Эртасига, якшанба кuni, эрталабдан бошлаб, улар ошнинг ҳаракатига тушишди. Фаиля икки килограмм гуруч дамласа бўладиган қозон берибди. Олган гўштини кўрсатаётиб, Зухра мактай кетди:

— Эркин савдо, эркин нарх-наво тўқчилик олиб келадиганга ўхшайди.

Ишқилиб, унинг айтгани келсин. Мен унинг гапларига қулоқ солиб туриб, Олой, Эски шаҳар бозорларини еслаб кетдим. Яхши ҳам ўзбекнинг бахтига бозорлар бор. Ҳамма керакли нарсани ўзбек бозордан топади. Тирикчилиги бозор билан ўтади. Эсимни танибманки, шундай. Ажаб эмас, мустақиллик, эркинлик жафокаш элимга чинакам бахт келтирса! Мустақилликнинг дастлабки икки йили шундай бўлишидан дарак бериб турибди.

Электр плита ошга қувватсизлик қилибди. Ош бироз юмшоқ бўлибди. Лекин барибир, она юртдан тўрт минг

километр наридаги касалхонанинг ичида ўзимизнинг икки миришкор аёл пиширган қўлбола ошни кўриб, дилим тоғдай кўтарилиб кетди. Аввало, таниш ҳиди димоғимни олди. Кейин тўйнинг ошидек олтин ранги кўзларимни қувонтирди. Бунинг устига, дилимдан ўтган нарса — саримсоқ ҳам солишибди. Кичкина чуст пичоғининг учи билан сувга солиб қўйилган кўм-кўк турпни «синдир»дим. Учинчи қаватда Азиза онаси билан, ўнинчи қаватда мен Зухра билан юртимизнинг нафаси теккан, тупроғида унган масалликлардан пишган, пазанда элимиз хўп ўйлаб толган ошни едик. Қани энди қанот пайдо қилсам-у, Тошкентга учиб борсам! Ошхонага кириб, қор гулллаб ёғиб турганига қарамай, Азиза билан Зухрага ўзим ош қилиб берсам! Худо хоҳласа, қилиб ҳам бераман. Фақат уларгагина эмас, қавми-қариндошларимга, дўст-биродарларимга, қизимга, мени катта ҳурмат қилиб келаётган маҳалладошларимга ҳам ош дамлаб бераман.

Ё Худо, ҳар нарсага қодир, қудратли Парвардигор! Бандаларинг қатори мендан ҳам марҳаматингни аяма, ўзинг шифо бер! Шу ердан тузалиб, соғ-саломат уйимга етай! Ўзинг қўлла

мени. Қолган умримни тоат-ибодатда ўтказай, қувватим, имконим етганича элимга, юртимга хизмат қилай. Эй қодир Худо! Шафқатингни аяма. Қанча умр берган бўлсанг, энди ҳаммасини гуноҳларимни ювишга, пок, хайрли ишларга бағишлайман. Эртаю кеч сен тилимда, дилимда бўласан. Оллоҳим...

Қизим! Умида...

2 ноябрь 1993 йил эрталаб соат 8.00 да ҳовлиқиб Татьяна Дмитриевна, кетидан В.В.Шентал кириб келишди.

— Юринг тез, Сизни директор кутяпти! — деди ҳар доимгидек қистаб Шентал.

Яхши ҳам ювиниб бўлиб, кийинаётган эдим, ортларидан юрдим. Негадир хотиржам эдим.

Институтнинг янги директори М.И.Давидов кўпчилик мақтаётган шу даврининг истеъдодли хирурглари-дан эди. Шу сабабдан директор этиб тайинланган бўлса ҳам, марказнинг кўкрак кафеасидаги касалликлар бўлимини бошқариб турарди. Кабинети мен ётган бўлимдан бир қават юқорида экан. Чиндан ҳам, у бизни кутиб турарди. Сўрашди, кейин мендан трубкани ечишимни илтимос қилди. Татьяна Дмитриевна ёрдамида ечдим. Узоқ кўрмади. Бўйинимни, томоғимни босиб-босиб ушлаб чиқди. Шентал гапириб турди. «Процесс ичкарига ўтмаган, трохеястоманинг бошида», дегани қулоғимда қолди. Ичимда яна бирмунча таскин топдим. «Ишқилиб, операцияни ўзи қилишга рози бўлсин-да!» — дердим ичимда. Гап шундаки, кеча кечкурун Зухра билан телефонда гаплашганимда, у иттифоқ Нукусдан келган йигит, М.И.Давидовнинг аспиранти билан элчихонамизда учрашиб қолганини айтди. Омонжўл Боймуҳамедов экан. Бу йил номзодлик диссертацияси ёқлар экан. Шу Давидов қўл остида ишлаётган экан. Зухра унинг мен билан учрашишини айтди. Давидовдан агар операция лозим бўлса, ўзи қилишини сўрайдиган бўлибди. Мен хурсанд бўлдим.

(Давоми келгуси сонда)

Мулоқот

Савол беринг, жавоб берамиз

— **Айтинг-чи, суд харажатини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш мумкинми?**

Б. ҚУРБОНЁЗОВА,

Хоразм вилояти

— Ҳа, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, суд харажатларини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб тўлаш мумкин. Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг 133-моддаси иккинчи қисми ва 193-моддасига кўра, судья ари-зачининг илтимоснома-си бўйича унинг мулк-ий аҳволига қараб, давлат божини кечиктиришга, бўлиб-бўлиб тўлашга ва миқдорини камайтиришга ҳақли. Жумладан, Фуқаролик процессуал кодек-сининг 133-моддасига асосан, ҳам жисмоний, ҳам юридик шахсдан дав-лат фойдасига ундирила-

диган суд харажатларини кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки миқдорини ка-майтириш масаласини ҳал қилишда, суд улар-нинг бу харажатларни қис-ман ёки бир йўла тўлашга қурби етмаслиги ҳолатла-рини тасдиқловчи ҳолат-лар мавжудлиги ҳақидаги далилларни (масалан, иш ҳақи (даромади), банкда маблағлари мавжудлиги, унинг эгаллигида бўлган мулклар ҳақидаги маълумот, вояга етмаган фар-зандлари, бошқа боқи-мандалари борлиги ва ҳоказолар) тўғрисидаги маълумотларни) инобат-га олади.

— **Турмуш ўртоғим банкдан кредит олганди. Кредит шартномаси фақат эримнинг номига расмийлаштирилган, мен эса, қарз олувчи ёки ка-фил сифатида қатнашмаганман. Банк кредит ўз вақтида тўланимагани сабабли ундирувни менинг номимдаги мол-мулкка қаратишни талаб қил-моқда. Банк шундай йўл туттишга ҳақлими?**

Г. ҲИҚМАТОВА,

Андижон вилояти

— Сизнинг саволингиз-га жавобан шуни айтиш керакки, қарздорнинг ўз мулки бўлмаган тақдирда, ҳақ ундириш эр-хотиннинг умумий мулкига қарати-лиши мумкин, фақат бу қарздорга тегишли улуш доирасида ва суд қарори асосида амалга ошири-лади. Хусусан, Оила ко-дексининг 34-моддасига мувофиқ, эр (хотин)нинг мажбуриятлари бўйича ҳақ ундириш фақат унинг мол-мулкига қаратили-ши мумкин. Ушбу мол-мулк етарли бўлмаган тақдирда, ҳақ ундиришни эр-хотиннинг мол-мулк-тини топмаган муурожаатлари рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Аслида Ш.Очилбоева бож-хона маскани орқали “Нексия 3” русумли автомашинасида Ўзбекистон Республикаси-га ҳар хил турдаги товар ва мод-дий бойликларни кўп миқдор-да олиб киришга доимий ра-вишда уриниб келган. Унинг бундай ноқонуний хатти-ҳара-катига чек қўйиш мақсадида у билан бир неча марта про-филлактик суҳбатлар ўтказил-ган, ноқонуний равишда олиб ўтишга уринган товарларига нисбатан божхона пункти хо-димлари томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштири-либ, маъмурий жавобгарлик масаласини ҳал этиш учун жиноят ишлари бўйича ту-ман судига юборилган. Бироқ Ш.Очилбоева булардан ўзига тегишли хулоса чиқариб ол-май ноқонуний фаолиятини яна давом эттирган.

Гувоҳи бўлганингиздек, хизмат вазифасини бажара-ётган ходимга нисбатан ҳур-матсизлик қилиш муқаррар жазога сабаб бўлди.

Бу, ўз навбатида, юрти-мизда ҳар бир фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати кафо-латли ҳимоя қилиниши, бу борада содир этилган жиноий қилмишлар ҳеч қачон жазосиз қолмаслигини кўрсатади.

Жавлон ЖАББОРОВ,

Сирдарё вилояти

суди судьяси

Абдуҳамид

ХУДОЙБЕРДИЕВ,

“Куч — адолатда” мухбири

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Демак, булардан кўринади-ки, ушбу конституциявий қо-ндаги риоя этмаслик тегишли жавобгарликка сабаб бўлади.

Шу ўринда фикримизни ҳа-ётий мисоллар асосида да-вом эттирадиган бўлсак, 2024 йил 3 март кuni Сирдарё ту-мани ҳудудида жойлашган чегара божхона постининг “Малик” божхона пунктида божхона ходими М.Элму-родова (исм-шарифлар ўзгар-тирилди) Ш.Очилбоевнинг “Нексия-3” русумли автома-шинасидаги юкларини на-зорат текширувидан ўтка-заётганда ўртада тортишув келиб чиқади. Бунга Ш.Очил-боевнинг автомашинасида меъёридан ортиқча моддий товар-бойликлар борлиги са-баб бўлади.

М.Элмуродова хизмати тақозосига кўра, Ш.Очилбо-евадан автомашинасидаги юкларни туширишини сўрай-ди. Аммо Ш.Очилбоева унинг талабига бўйсунмай қарши-лик кўрсатади. Бу ҳам етма-гандек, М.Элмуродованинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан таҳқирлайди.

Судга оид лингвистик экспертиза хулосаси ҳам Ш.Очилбоева М.Элмуродо-вага нисбатан айтган сўзлар ҳақорат маъносида қўлланил-ганини тасдиқлади.

Аммо Ш.Очилбоева бу би-лан чекланмайди, у “ётиб қол-гунча...” қабилида иш тутиб, 2024 йил 20 май кuni жиноят ишлари бўйича Сирдарё ту-мани суди мажлисида ўзига нисбатан жиноят иши кўрила-ётганда, М.Элмуродованинг оғир жиноят содир этганлиги ҳақида судга ариза билан му-рожаат қилади. Гўёки, М.Эл-муродова божхона пунктида хизмат вазифасини бажариш давомида назорат пункти-дан ўтадиган фуқаролардан турли моддий қимматлик ва

ашёларни “совға” тариқасида олаётган эмиш...

Энг ёмони, Ш.Очилбоева аризасида М.Элмуродовани оғир турдаги жиноят — пора олишда ҳам айблайди.

Табиийки, унинг ариза-сида келтирилган важлар қонун талаби асосида тек-шириб чиқилди. Аммо ари-

гарисиз, апелляция шико-ятини қаноатлантирмасдан қолдирди.

Хўш, апелляция судлов ҳайъати нега бундай қарорга келди?

Шу ўринда бу ҳақда ба-тафсил тўхталадиган бўлсак, ушбу жиноят ишида М.Эл-муродованинг 2024 йил 13

миқдорда олиб ўтишига ёр-дам беришни сўраб, “СМС” хабар келади. Хабарга жа-вобан жабрланувчи М.Элму-родова божхона чегараси орқа-ли ҳаракатланиш тартибини тушунтиради, ҳар бир товар учун белгиланган тартибда божхона тўловлари тўланиши лозим эканини ёзиб юбора-



Жиноятга жазо муқаррар

за бирор-бир мақбул далил ёки асосларга эга эмаслиги, фақат М.Элмуродовани атай шарманда қиладиган, уни оғир жиноят содир этишда айблаб, уйдирмалар тарқа-тиш мақсадида судга тақдим этилгани аниқланди.

Шундан сўнг биринчи бос-қич судининг 2025 йил 14 августдаги ҳукмига кўра, суд-ланувчи Ш.Очилбоева Жино-ят кодексининг 139-моддаси 3-қисми “а” банди ва 140-мод-даси 3-қисм “а” банди билан айбдор топилди ва 1 йил 1 ой муддатга озодлиқни чеклаш жазосига ҳукм қилинди.

Ўз навбатида, Ш.Очилбо-ева биринчи босқич судининг ҳукмидан норози бўлиб, ви-лоят суди апелляция судлов ҳайъатига муурожаат қилди.

Апелляция инстанцияси су-ди ўз ажрими билан биринчи босқич судининг ҳукмини ўз-

мартда Сирдарё вилоят про-курорига 3 март кuni “Малик” божхона пунктида хизмат вазифасини бажараётганда Ш.Очилбоева ҳақорат қилга-ни, 2024 йилнинг 28 февраль кuni Ўзбекистон Республи-каси Президентининг “Ишонч” телефони орқали йўллаган муурожаатида уни фуқаролар-дан пора оляпти, деб туҳмат қилганлиги учун унга нисба-тан қонуний чора кўришни сўраб ёзган аризаси бор. Бун-дан ташқари Ш.Очилбоевани М.Элмуродовага ёзган “СМС” хабарлари борки, унинг таф-силотида газетхонни қисқача таништириш лозим кўринади.

Гап шундаки, 2024 йилнинг 21 февраль кuni соат 10²⁵ ларда М.Элмуродованинг қўл телефонига Ш.Очилбоевадан чегара божхона пункти орқа-ли товар-моддий бойликлар-ни белгиланганидан кўпроқ

ди. Ш.Очилбоева эса, очиқ-ошкор таҳдид қилишга ўтади, яъни ёрдам бериб турмаса, туҳмат билан ишдан бўша-тириб юборишини айтади.

Афсусланарли томони шундаки, судланувчи ёлғон уйдирмалари билан бир қатор идора ходимларининг қим-матли вақтини ҳам ўғирлаб келган. Масалан, Ш.Очилбо-ева М.Элмуродова 4 нафар фуқародан пора оляпти, деб “Ишонч” телефони орқали йўллаган муурожаати юзаси-дан Сирдарё тумани проку-рори ёрдамчиси томонидан текшириш ўтказилган. Аммо божхона ходими М.Элму-родованинг ҳаракатларида жи-ноят таркиби мавжуд бўлма-гани сабабли унга нисбатан жиноят ишини кўзғатиш рад қилинган.

Бундан ташқари “Сирдарё” чегара божхона постининг

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Алишер УСМАНОВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Жамшид САДИНОВ
Муродулло ҚОДИРОВ
Замира ЭСАНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Сахифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси

босмахонасида офсет усулида босилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзиллими: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота

кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-215 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.

Сотувда эркин нархда. Адади: 6591

1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22³⁰. Топширилди: 00³⁰.

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:

Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам билан
рўйхатдан ўтган.



ISSN 2143-6323
9 772143 632006